

**Жиноят кодексининг 104-моддаси 2-қисми «к» банди нотўғри талқин қилинганлиги сабабли апелляция инстанция судининг ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгитдан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборилган.**

Жиноят ишлари бўйича Учкўрғон туман судининг 2006 йил 26 апрелдаги ҳукмига асосан ака-ука А. ва Б.ларнинг ҳар бири Жиноят кодексининг 104-моддаси 2-қисмининг «б,в,е,к» бандлари билан Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланилган ҳолда 4 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланганлар.

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди апелляция инстанциясининг 2006 йил 18 майдаги ажрими билан ҳукмнинг ака-ука А. ва Б.ларга оид қисми ўзгартирилиб, ҳар бирининг ҳаракати Жиноят кодексининг 104-моддасининг 1-қисмига қайта квалификация қилинган ва шу модда билан А.га 3 йил озодликдан маҳрум қилиш, жазони манзил колонияларда ўташ, Б.га Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланилиб 6 ой қамоқ жазоси белгиланган, ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд қарорларига кўра, ака-ука А. ва Б.лар қуйидаги ҳолатларда жиноят содир этганликда айбли деб топилганлар.

А. 2005 йил 19 декабрь куни соат 17.00 ларда жамоат жойи ҳисобланган «Учкўрғон» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти ҳудудида жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимасдан, ҳеч бир сабабсиз И.Нажмиддиновни уриб, дўппослаб тан жароҳати етказган.

Шундан сўнг А. ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, шу куни соат 18.00 ларда укаси Б. билан бир гуруҳ бўлиб, жамоат жойи ҳисобланган «Учкўрғонёғ» ОТХЖ ҳудудида жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимасдан, кишининг соғлиғи учун амалда шикаст етказиш мумкин бўлган

темирни қурол сифатида намоиш қилиб, ҳеч бир сабабсиз И.Нажмиддиновни ушбу темир билан ураётган пайтда унинг безорилик ҳаракатларининг олдини олиш мақсадида уларни ажратмоқчи бўлган Т.Нажмиддинов ва С.Муборақовларга фаол қаршилик кўрсатишиб, уларни қасддан уришиб, дўппослашиб, тан жароҳати етказишган.

Суд-тиббиёт экспертизаси хулосасида И.Нажмиддиновнинг бош қисми ҳамда кўкрак қафасида тан жароҳатлари бўлиб, ҳаёти учун хавfli бўлган оғир тан жароҳати олганлиги, Т.Нажмиддинов, С.Муборақов, Б.Нажмиддинов ва А.лар соғлиғининг қисқа муддатга бузилишига сабаб бўлмаган енгил тан жароҳати олганлиги қайд этилган.

Суд томонидан иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилмаганлиги боис апелляция инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборилган.

Судланувчилар, жабрланувчилар, гувоҳларнинг дастлабки терговдаги сўроқлари, юзлаштириш баённомалари ва бошқа йиғилган ҳужжатлар, шунингдек, судда аниқланган ҳолатларга кўра, ака-ука А. ва Б.ларнинг бир гуруҳ бўлишиб И.Нажмиддиновни уриб, унга оғир тан жароҳати етказганликлари аниқланган.

Апелляция инстанцияси суди эса ишдаги ушбу ҳолатларни эътиборга олмасдан, ака-ука А. ва Б.лар жиноят содир этиш ҳақида ўзаро олдиндан тил бириктирмаган, деган хулосага келиб, уларнинг айбидан жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилганлиги ҳақидаги Жиноят кодексининг 104-моддаси 2-қисми «к» бандини чиқариб, уларнинг жинойий ҳаракатларини Жиноят кодексининг 104-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилиш ҳақида барвақт хулосага келган.

Апелляция инстанцияси суди судланганларнинг ҳаракатларини Жиноят кодексининг 104-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилиш учун Жиноят кодексининг 104-моддаси 2-қисми «к» банди диспозициясидаги «олдиндан тил бириктириб» деган иборалар йўқлигини асос қилиб олган бўлса-да, айнан шу банддаги «бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса» деган иборалар мавжудлигига аҳамият бермаган.

ЖКнинг 29-моддасида икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктирмай жиноят содир этишда қатнашиши оддий иштирокчилик деб топилиши белгилаб қўйилган.

Қонун мазмунига кўра, оддий иштирокчиликда жиноят икки ёки ундан ортиқ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирмай содир этилади ва ижтимоий хавфли қилмишнинг объектив томони биргаликдаги иштирокчиликдан гувоҳлик берувчи барча иштирокчилари томонидан қисман ёки тўлиқ амалга оширилади.

Олдиндан тил бириктирилмаган иштирокчилик бевосита жиноят содир этиш жараёнида ёки муайян вақт оралиғида, иштирокчилик жиноятини амалга ошириш жараёнида, бир вақтнинг ўзида, шунингдек, муайян вақт давридан сўнг вужудга келиши мумкин бўлган олдиндан тил бириктиришнинг бўлмаслиги билан тавсифланади.

Мазкур жиноят ишини янгитдан апелляция инстанцияси судида кўриш учун Олий суд томонидан протест киритилиб, иш бўйича барча ҳолатлар ҳар томонлама, тўла ва холисона текширилиши, йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилиб, жиноят иши бўйича қонуний ва асосли хулосага келиниши кўрсатилган.

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди раёсати протестни қаноатлантириб, ака-ука А. ва Б.ларга нисбатан чиқарилган шу суд апелляция

инстанцияси судининг ажримини бекор қилиб, жиноят ишини янгидан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборди.